Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН   № 63 (8303).   28 март, 1984 йил ●   ЧОРШАНБА   ● Баҳоси 3 тийин.

## МОЛЛИ ХЎЖАЛИК — МОЙЛИ ХЎЖАЛИК

**РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХУЖАЛИК АКТИВИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ҚИШЛОҚДАГИ ЗАРБДОР ФРОНТ — ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ҲАМ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ҚУЙИЛДИ. МОЛЛИ ХУЖАЛИК — МОЙЛИ ХУЖАЛИК ЭКАНЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.**

**БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ, ГУШТ, СУТ ЕТИШТИРИШНИ КУПАЙТИРИШ УЧУН АЙНИ КУНЛАРДА АСОСИЙ ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРНИ ҚИШЛОВНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАШГА, МАВЖУД ЕМ-ХАШАКЛАРНИНГ ТУЙИМЛИЛИГИНИ ОШИРИБ, МОЛЛАРГА ЕДИРИШГА, СУТ СОҒУВЧИЛАР ВА МОЛБОҚАРЛАР УРТАСИДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ҲАР ЖИҲАТДАН АВЖ ОЛДИРИШГА ҚАРАТИШ ЛОЗИМ.**

# ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

## *Агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгаши*

Илгари хабар қилганимиздек 26 март куни Москвадаги катта Кремль саройида агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгаши очилди.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий комитети секретари **М. С. Горбачев** «Партия, совет ва хўжалик органларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда агросаноат комплекси бошқа тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Ушбу кенгашни очиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко айтганидек, бу кенгаш КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги ишнинг дастлабки якунларини муҳокама қилиш учун чақирилди. Унинг нутқида партия ташкилотлари агросаноат комплекси ходимлари олдида турган вазифаларнинг моҳияти баён этилди, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида аниқ кўрсатмалар берилди, деб уқтирди докладчи.

Экономикамиз ўз тараққиётининг масъулиятли босқичида турибди, деб давом этди докладчи. КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида уч йилдан бери қизғин меҳнат қилинмоқда. Биз ўн биринчи беш йилликнинг ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифалар кўндаланг бўлиб турган тугалловчи даврига қадам қўйдик. Партия ўзининг бутун фаолиятида КПСС XXVI съездининг ва Марказий Комитет кейинги Пленумларининг стратегик йўл-йўриқларига амал қилмоқда. Партия кундалик вазифаларни ҳам, узоқ муддатли вазифаларни ҳам ҳал қилиш учун етарли равишда яхлит ҳаракат программасига эгадир.

Ўртоқ К. У. Черненконинг февраль Пленумидаги ва сайловчилар билан учрашувларидаги нутқларида бу ишнинг кенг миқёси ҳақида чуқур ва атрофлича гапирилди. Бу нутқларда экономикани янада ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш вазифалари ҳамда йўллари аниқ-равшан белгилаб берилган, партиянинг, давлат ва хўжалик органларининг, барча меҳнаткашларнинг диққат-эътибори шу вазифаларга қаратилмоғи керак. Экономикага раҳбарлик соҳасидаги ишга янада жўшқин ва собитқадам характер бахш этиш, жамики янги, илғор тажрибаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш, омманинг ижодкорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, тартиб, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш зарур.

Экономика соҳаси партиянинг фаолиятида доимо марказий соҳа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди.

Турмуш интенсивлашга диққат-эътиборни кучайтиришни талаб қилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, экономикани ўстиришнинг асосан интенсив омилларига, бошқарувнинг янги методларига ўтиш — осон иш эмас. Бу соҳада хоҳишнинг бир ўзи камлик қилади. Аммо биз бу вазифани амалга оширишимиз мумкин ва лозим. Мамлакатда малакали кадрлар, зарур ресурслар бор. Бизнинг энг муҳим резервимиз — кенг омманинг мададкорлиги, унинг жамият олдида пайдо бўлаётган проблемаларни ҳал этишда актив қатнашиш истаги ҳам бор. Мамлакатимиз барча жабҳалар бўйлаб ҳаракат қилиб, меҳнат коллективларининг ташаббуси ва ижодини ривожлантириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошира олади.

Экономиканинг ҳамма соҳасини, айниқса унинг социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишни кўп жиҳатдан белгилаб берадиган секторларини интенсивлаш ва ривожлантириш муҳимдир. Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми маъқуллаган мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга қаратилган қишлоқ хўжалиги, бутун агросаноат комплекси мана шундай сектордир.

Марказий Комитетнинг май Пленумидан кейин икки йил вақт ўтди. Шу вақт ичида қилинган ишларнинг баъзи дастлабки якунларини энди чиқариш мумкин. 1983 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1982 йилга нисбатан 5 процент кўпайиб, салкам 134 миллиард сўмликка етди. Кейинги тўққиз йил ичида биринчи марта барча республикалар чорвачилик маҳсулотлари асосий турларини тайёрлаш планларини уддаладилар. Бир йил мобайнида гўшт тирик вазнда 1,5 миллион тонна, сут 5,4 миллион тонна ва тухум 1,8 миллиард дона кўпайди.

Колхоз ва совхозлар фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яхшилик томон ўзгара борди. Қишлоқда социал ўзгартишларнинг суръатлари жадаллашди.

Аграр секторда умидбахш силжишлар бор. Шунга қарамай умумий аҳвол бизни қаноатлантира олмайди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида қишлоқ хўжалиги давлатга план топшириғига нисбатан талайгина дон, чорва ва парранда, сут, бошқа маҳсулотларни камроқ етказиб берди.

Беш йилликнинг қолган икки йилида қолоқликни батамом тугатиш учун мана шулардан ғоят жиддий хулосалар чиқариб олиниши керак. Биринчи навбатда дон етиштиришни ўстиришни ҳамда ҳар бир хўжалик ва район, ҳар бир область, республика давлатга ғалла сотиш юзасидан берилган топшириқларни умумий ҳажмдагина эмас, шу билан бирга ҳар бир экин юзасидан белгиланган ҳажмда сўзсиз бажаришларини таъминлайдиган тадбирлар системасини амалга ошириш муҳимдир. Фермаларнинг меҳнаткашлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Чорвачиликда содир бўлаётган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва тобора ривожлантириш муҳимдир.

Докладчи агросаноат комплекси экономикасини мустаҳкамлашнинг энг муҳим масалаларини анализ қилиб интенсивлаш жараёнини фақат фондларни жамғаришдан иборатгина қилиб бўлмайди, деб таъкидлади. Мавжуд ҳамда олинаётган моддий ва молиявий воситалар бирлигидан маҳсулот олинишини кўпайтириш интенсивлашнинг бош мақсадидир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларида ғоят катта ишлаб чиқариш потенциали тўпланган. Барча қувватлар ва ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, заиф бўғинларни мустаҳкамлаш, мавжуд фондлардан энг мақбул тарзда фойдаланиш, уларнинг структурасини такомиллаштириш биринчи даражали вазифадир.

Нотиқ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, колхоз ва совхозларни, агросаноат комплексининг бошқа корхоналарини янги яратилган серунум машиналарнинг комплектлари билан кўпроқ таъминлашга, қишлоқда техникани ремонт қилиш ва сақлаш базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди.

Май Пленумидан кейин Марказий Комитет билан ҳукумат қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоқларини ривожлантиришга катта-катта маблағ ажратди, ўртага қўйилган вазифани ҳал этишга мамлакатнинг асоси қурилиш ва машинасозлик министрликларини жалб этдилар. Эндиликда асосий эътибор белгиланган тадбирларни бажаришни ташкил этишга қаратилиши лозим. Докладда қайд этиб ўтилганидек, хўжалик юритиш даражаси кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси — ердан моҳирлик билан фойдаланишга боғлиқ. Кейинги вақтларда бу ишда муайян силжишлар содир бўла бошлади. Аммо ҳали ҳамма иш ҳам қилингани йўқ. Кўпгина колхоз ва совхозларда илмий асосланган деҳқончилик системалари суст жорий этилмоқда, агротехника қоидалари бузилмоқда. Шу пайтгача хўжаликларнинг талайгина қисмида алмашлаб экиш ўзлаштирилмаган. Буларсиз эса деҳқончиликнинг қатъий илмий системаси тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг агрономия хизмати билан илмий тармоғи ҳозирча деҳқончилик маданиятига етарлича таъсир ўтказмаяпти. Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланишга катта эътибор берилиши лозим.

Докладда чорвачиликни интенсивлаш проблемаларига каттагина ўрин берилди. Шу тармоқнинг маҳсулдорлиги ҳали юқори эмас, кўпгина хўжаликлар ем-хашак базасини мустаҳкамлашга етарлича эътибор бермаяптилар, катта-катта комплекслар қуриш билан машғул бўлмоқдалар. Шу билан бирга чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошира бориб гўшт, сут, тухум етиштиришни, умуман чорвачилик самарадорлигини тезда ошириш мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди. Корхоналар ва гражданларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга ҳам эътиборни сусайтирмаслик зарур.

Сўнгра М. С. Горбачев бундай деди: партия агросаноат комплекси тармоқларида бошқарув ва хўжалик механизмини такомиллаштириш соҳасида сабот билан иш олиб бормоқда. Кўрилган чора ва тадбирлар умуман қулай хўжалик вазиятини вужудга келтирган. Бошқарув ишлаб чиқаришга таъсир ўтказишнинг иқтисодий воситаларига тобора кўпроқ таянмоқда. Аммо бу қайта қуришнинг бошланиши холос.

Баъзи бошқарув органлари билан раҳбар кадрлар ҳозирча хўжалик юритиш иқтисодий методларига суст амал қилмоқдалар. Меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақи ўсишнинг тўғри нисбати, маблағларнинг қопланиши, фондлардан фойдаланиш, маҳсулот сифати каби масалалар ҳамда экономикани мустаҳкамлашда шу омилларнинг роли кўпинча эътибордан четда қолади.

Баъзи раҳбарлар ва мутахассислар хўжалик ҳисобидан чўчимоқдалар, уни жорий этишга шошмаяптилар. Хўжалик ҳисоби юзаки қўлланилаётганлигини, унинг асосий принциплари бузилаётганлигини кўрсатувчи фактлар оз эмас, баъзи хўжаликларда харажатларни асосан давлат ва банк кредитлари ҳисобига қоплашга интилмоқдалар.

Эндиликда қишлоқларда шундай шароитлар яратилганки, бундай шароитларда ҳар бир колхоз ва совхоз маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, маблағ ишлаб топиш, рентабелликни ошириш, харажатларни камайтириш имкониятига эгадир.

Қишлоқдаги потенциалдан самарали фойдаланиш аввало кишиларга, уларнинг меҳнатига ва меҳнатининг натижаларидан манфаатдорлигига боғлиқ. Ишни шундай йўлга қўйиш муҳимки, кишилар пировард мақсадни равшан кўриб туриб унга интиладиган бўлсинлар, ўз меҳнатлари билан унга тўланадиган ҳақ бир-бирига бевосита боғлиқ эканлигини сезиб турсинлар. Кўп йиллик изланиш коллектив пудратнинг юксак самарадорлигини кўрсатди. Бундан буён ҳам унга зўр эътибор бериш, амалда ундан активроқ фойдаланиш муҳимдир.

Мамлакатда агросаноат бирлашмалари бир йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб турибди. Район агросаноат бирлашмаларининг анчагина қисми экономиканинг асосий тармоқларига эътиборни жалб қилиб, тармоқлараро алоқаларни йўлга қўймоқда. Докладда колхоз ва совхозларнинг шериклари билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масала алоҳида кўрсатиб ўтилган. Маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга, маҳсулотни сақлаш ва ташиш базасига кўпроқ эътибор берилган.

Интенсивлаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жадаллик билан жорий этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган хўжалик юритишнинг янги бир шароитида СССР Фанлар академияси ҳамда ВАСХНИЛ илмий-тадқиқот ташкилотларининг роли ва масъулияти ортиб бормоқда. Практика планлаштиришни такомиллаштириш, интенсивлаш, ихтисослаштириш ва концентрациялаш, агросаноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш, қишлоқнинг ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш ва уни социал ривожлантириш каби ғоят муҳим проблемалар юзасидан ечимларга муҳтождир. Агросаноат комплексини бошқаришнинг бутун механизмини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Сўнгра докладчи партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаларига тўхталиб ўтди. Ўртоқ К. У. Черненконинг февраль Пленумида ва Марказий Комитет аппарати ходимлари билан учрашувда сўзлаган нутқларида мамлакат олдида турган вазифаларнинг ҳал этилиши партиявий раҳбарлик савиясининг оширилишига бевосита боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу нарса Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

Биз КПСС Марказий Комитетининг партия, совет органлари вазифаларини яна ҳам аниқ-пухта чегаралаб қўйиш тўғрисидаги йўл-йўриғини амалда бажаришимиз керак. Баъзи район партия комитетлари агросаноат бирлашмаларининг ўрнини босиб, жорий хўжалик масалаларини уларнинг иштирокисиз ҳал этаётганлиги, хўжалик мутахассислари билан раҳбарларининг бевосита қарамоғида бўлган ишларга аралашаётганлиги, бу эса кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини пасайтириб юбораётганлиги нормал ҳол эмас.

Қишлоқ меҳнаткашларига нима ишларни қачон бажариш тўғрисида кўрсатмалар беришни эмас, балки топширилган иш учун, ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари учун кадрларнинг масъулиятини ошириш соҳасида мунтазам иш олиб боришни райкомларнинг асосий вазифаси деб ҳисоблаш керак. Марказий Комитет кўрсатиб ўтганидек, партия комитетлари учун хўжалик билан шуғулланиш — аввало одамлар, кадрлар билан шуғулланиш демакдир. Бу қоидани конкрет мазмун билан тўлдириш, муҳим партиявий принципга қатъий амал қилиш керак.

Докладчи қишлоқ хўжалиги, агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлашини таҳлил этди.

Иқтисодий масалалар каби кадр масалалари ҳам қишлоқни социал қайта қуриш билан боғлиқ. Май Пленумидан кейин кўпгина областлар ва республикаларда уй-жой ҳамда маданий-маиший объектлар қурилиши суръати ошди. Айни вақтда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қурилиш планлари мунтазам суратда барбод этилаётган областлар, ўлкалар ва республикалар бор.

КПСС Марказий Комитети барча лавозимлардаги раҳбарларнинг ишига уларнинг сўзига қараб эмас, балки амалий ишларига қараб баҳо беради, деб таъкидлади докладчи. Қишлоқда партия ва совет органларининг иш услуби ҳамда методларини такомиллаштириш шунчаки бир мақсад эмас, балки партиянинг иқтисодий сиёсатини меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги, шижоати билан, уларнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун кенг кўламдаги социалистик мусобақада иштирок этишлари билан тўлиқроқ олиб бориш воситасидир.

Пировардида М. С. Горбачев партия Марказий Комитети номидан қатъий ишонч билдириб айтдики, партия комитетлари, совет органлари, министрликлар ва идоралар, қишлоқ хўжалиги олимлари, колхоз, совхозларнинг ҳамда агросаноат комплекси бошқа тармоқлари корхоналарининг раҳбарлари ва мутахассислари КПСС XXVI съезди қарорларини, СССР Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги куч-ғайратларини оширадилар. Қишлоқ меҳнаткашлари 1984 йилги план ҳамда социалистик мажбуриятларини бажаришда муваффақиятларга эришишларига ва шу тариқа совет халқи фаровонлигини янада оширишдан иборат бош вазифани ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишларига шак-шубҳа йўқ.

Музокараларда сўзга чиққан кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни кучайтириш йўлларини муҳокама қилмоқдалар, СССР Озиқ-овқат программасини бажаришга қаратилган конкрет таклифларни киритмоқдалар.

* * *

Агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгаши 27 март куни Москвада ўз ишини давом эттирди.

М. С. Горбачев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқларни мажлис аҳли давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Кенгаш қатнашчилари партия, совет ва хўжалик органларининг қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқлари иқтисодий самарадорлигини ошириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларини атрофлича муҳокама қилдилар. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг кенгашдаги нутқида, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачевнинг докладида баён этилган қоида ва хулосаларнинг муҳимлигини уқтириб ўтдилар.

Кенгашда Саратов область партия комитетининг биринчи секретари В. К. Гусев, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. А. Мозговой, Тўрғай областидаги «Ишимский» совхозининг директори Б. Нуртазин, Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссия раиси Ю. М. Хусаинов, Брянск область Почеп район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси А. С. Субботин, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Ставрополь ўлка партия комитетининг биринчи секретари В. С. Мураховский, Грузия ССР давлат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш комитетининг раиси Г. Д. Мгеладзе, Калинин область Торжок районидаги «Мир» колхозининг звено бошлиғи А. И. Гурина, Қирғизистон ССР Қант районидаги «Олга» колхозининг раиси К. Бегалиев, Москва область Раменский шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. В. Смирнов, Красноярск ўлкасидаги «Назаровский» совхозининг директори А. Ф. Вепрев, Николаев области Новоодесса районидаги «Путь коммунизма» колхозининг бош экономисти З. Д. Кобзарь, Латвия ССР Фанлар академияси экономика институти аграр проблемалар бўлимининг мудири А. А. Калниньш, Татаристон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — республика агросаноат бирлашмасининг раиси Б. М. Исаев, Кўкчатов область Шчукин район сельхозтехника бирлашмасининг раиси А. И. Зуев, ВАСХНИЛнинг биринчи вице-президенти академик А. А. Никонов, Белгород область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Пономарев, Херсон области Белозерский районидаги Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, Омск область партия комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин, СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, РСФСР қишлоқ хўжалиги министри В. П. Никонов, Бошқирдистон АССР Илишев район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси А. И. Романов, Гродно область партия комитетининг биринчи секретари Л. Г. Клецков, Новосибирск область Карасук сут-консерва комбинатининг директори Г. И. Кожанов, Қозоғистон ССР қишлоқ хўжалиги министри М. Г. Моторико, Краснодар ўлка Каневский районидаги «Победа» колхозининг раиси В. Ф. Резников сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан кишилар шуни таъкидладиларки, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари, унда қабул этилган Озиқ-овқат программаси партиянинг аграр сиёсатида сифат жиҳатидан янги босқични бошлади ҳамда мамлакатнинг агросаноат потенциалини мустаҳкамлашнинг қудратли омили бўлди, деҳқончилик ва чорвачиликда сезиларли силжишларга олиб келди. Аграр секторни бошқаришнинг ва унинг хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг янги методлари ишлаб чиқаришга самарали таъсир қилаётганини кўрсатувчи аниқ-равшан фактлар айтиб берилди. Хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди, қишлоқдаги социал ўзгартишларнинг суръатлари жадаллашди.

Нотиқлар Озиқ-овқат программасини ва беш йилликнинг план топшириқларини бажариш қандай бораётганини таҳлил этиб, бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга, камчиликларни тугатиш йўлларига қаратдилар.

Кенгашда планлаштиришни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш йўллари ҳақида муфассал фикрлашиб олинди. Коллективларнинг нарядсиз система асосида ишлашини ташкил этиш тажрибаси умумлаштирилди, пировард меҳнат натижалари — ҳосил ёки чорвачилик маҳсулоти бу системанинг асоси эканлиги уқтириб ўтилди.

Сўзга чиққан кишилар бутун диққат-эътиборни кўкламги дала ишларига қаратиш, бу йилги план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш мақсадида агросаноат комплекси меҳнатчиларининг социалистик мусобақасини кенг авж олдириш зарурлигини таъкидладилар.

Партия, совет ва хўжалик органлари олдида турган биринчи галдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Нотиқлар партия Марказий Комитетининг шу органлар вазифаларини янада аниқ-равшан белгилаб қўйиш тўғрисидаги йўл-йўриқларини мамнуният билан кутиб олдилар. Район партия комитетлари ҳамон агросаноат бирлашмалари бажариши лозим бўлган ишлар билан шуғулланаётганлигини, район агросаноат бирлашмалари эса район ижроия комитетлари собиқ қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг маҳкамачилик иш услубидан нусха кўчираётганликларини кўрсатувчи мисоллар айтиб берилди. Докладда оғишмай бажариладиган ва белгиловчи принциплар деб таърифланган раҳбарлик принциплари тўла-тўкис қўллаб-қувватланишн изҳор этилди.

Агросаноат комплекси меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги бўлмиш бошланғич партия ташкилотлари бундан буён ҳам ҳар бир меҳнатчининг топширилган иш учун масъулиятини оширишга қаратилган актив ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб боришлари лозим.

Нотиқлар агросаноат комплексини янада ривожлантиришнинг асосий йўли — унинг тармоқларини ҳар томонлама интенсивлашдан, вужудга келтирилган потенциалнинг ва ажратилган ресурсларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат эканлиги тўғрисидаги фикрга якдиллик билан қўшилдилар.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан мактуб қабул этиб, агросаноат комплексининг ходимлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ваъда бердилар.

(ТАСС).

ТАШАББУСКОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

## ИККИ ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

**КОЛЛЕКТИВИМИЗ районадаги энг юқори ҳосилли бригадалардан бири ҳисобланади. Илғорлар тажрибасини қўллаш, агротехника қоидалари асосида иш юритиш туфайли сўнгги йилларда мунтасил ҳосилдорликни 60 центнердан ошириб, Бекобод шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда исботлаб келяпмиз.**

**Пахтачиликдан келаётган мўмай даромад бригадамизда СССР Озиқ-овқат программасининг муҳим бўғинларидан бири — чорвачиликни ҳам ривожлантириш имконини берди. Ўтган йили биз ёрдамчи хўжалик ташкил этиш бўйича районда янги ташаббус билан чиққан эдик. Ишни яхши ташкил этиш учун бор имкониятларимизни ишга солдик. 28 бош қорамол, 200 бош товуқ, 5 бош қўй олиб, кичик фермамизда парвариш қилдик.**

**Маълумки, чорва моллари учун биринчи галда етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаб қўйиш керак. Шу туфайли ҳам биз, аввало, мўл-кўл чорва экинлари етиштиришга алоҳида эътибор бердик. Мол ва қўйлар ширали озуқалар билан парваришланганлиги натижасида йил давомида соғлом ўсиб, этига эт қўшилди, маҳсулдорлиги ошди.**

**Йиллик якунимиз чакки бўлмади. Бригадамизда мўлжалдагидан анча ортиқ маҳсулот тайёрланди. Жумладан, 11,5 тонна гўшт ишлаб чиқилди. Унинг 1,5 тоннаси бригадамиз аъзоларининг эҳтиёжи учун — дала шийпонида иссиқ овқат тайёрлаш мақсадида ишлатилди. 10 тоннаси эса давлатга сотилди.**

**Ўтган йилги тажрибалардан маълум бўлдики, ёрдамчи хўжалик нафақат бригада учун, балки давлат учун ҳам фойдали экан. Шу боисдан ҳам коллективимиз аъзолари беш йилликнинг тўртинчи йилида чорва моллари туёғини янада кўпайтириш, маҳсулдорлигини ҳар қачонгидан оширишга қатъий аҳд қилдилар. Ферма ишларини ҳозирдан бошлаб намунали йўлга қўяётганлигимиз ана шу мақсад йўлидаги ишларимизнинг мустаҳкам замини бўлмоқда.**

**А. РУЗИМАТОВА,**
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР КЎПАЙДИ

БУ ЙИЛГИ чорва қишлови Оҳангарон райони чўпонларини ҳам анчагина ташвишга солди.

«Ангрен» совхози чорвадорлари қишловга яхши тараддуд кўрган эдилар. Шунинг учун ҳам хўжаликнинг Чотқол тизмалари бағрига жойлашган Чарқин, Оқчасой, Новсала массивларидаги 19 отарининг барчасида қишлов намунали якунланмоқда.

Умуман хўжаликда айни кунларда 13400 бошдан ортиқ қўй парвариш қилинмоқда. Шундан 6640 бошини совлиқлар ташкил этади. Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликда қўйлар сони ошиши билан биргаликда уларнинг зоти ҳам яхшиланиб боряпти. Эндиликда «Элита», «Узун», «Оҳангарон» зотли қўйлар билан биргаликда Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда яратилган «Кумуш» зотли совлиқлар ҳам парвариш қилинмоқда. Бу қўйлар ниҳоятда маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири 80 килограммгача тош босади, 4 килограммдан ортиқ жун беради.

Совхозда қўйлар туёғини кўпайтиришда эрта қўзилатишнинг самараси катта бўляпти. Эрта туғилган қўзи соғлом бўлади, кузга бориб 40—45 килограммдан тош босади. Албатта, бу усулнинг ўз қийинчиликлари, ташвишлари бор. Эрта қўзилатиш учун пухта тараддуд кўриш, иссиқ хоналар тайёрлаш, озуқанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш керак. Ана шунда қишда туғилган қўзилар ва совлиқлар соғлом бўлади.

Ўтган йили хўжаликдаги совлиқларнинг деярли ярми эрта урчитилди. Айни кунларда қўзилатиш мавсуми қизғин давом этяпти. Чўпонлар ўртасидаги мусобақада Ленин ордени кавалери Мўмин Холтўраев пешқадамлик қилаётир. У боқимидаги 423 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан пландаги 92 ўрнига 115 бошдан қўзи олишга аҳд қилган. Ҳозиргача унинг отарида 350 бошдан кўпроқ соғлом қўзи олинди. Унинг мусобақадоши Мўмин Умаров ҳам бўш келмаяпти. Унинг қўрасида ҳозиргача 400 бош насл олинди.

— Семиз қўйнинг яхши насл бериши, жуни тоза бўлиши ҳаммага аён,— дейди совхоз бош зоотехниги Аҳмадали Ҳамроев.— Шунинг учун чўпонларимиз совлиқларни қишлов даврида семиз асрашга ҳаракат қиладилар. Барча қўраларимизда озуқа етарли. Чўпонларга яхши шарт-шароит яратилган. Қўраларда туну-кун навбатчилик ташкил этилган. Ўтган йили хўжалигимиз бўйича ҳар юз совлиқдан 102 бошдан қўзи олиниб, давлатга 16,5 тонна ўрнига 20,5 тонна жун топширган эдик. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилдаги аҳдимиз улкан. 6200 бош ўрнига 6970 бош қўзи олиб, 22 тонна сифатли жун топширишни кўзлаб турибмиз.

Совхоз чўпонларида бу марраларни эгаллаш учун реал имкониятлар бор. Чунки, насл яхши тушмоқда. Ҳозирга қадар 4,5 минг бошга яқин қўзи олинди. Яйловлар бағри қўй-қўзига тўлиб боряпти.

**Н. АБДУРАСУЛОВ.**

## ЮКСАК УНУМ БИЛАН

**21 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ**

Москваликларнинг доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси Янгийўл район саноат корхоналари, хўжаликлари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари, барча меҳнаткашлари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Райондаги тажриба-механика заводи ишчи-хизматчилари ҳам меҳнат байрамида фаол иштирок этиш, юксак унум билан ишлашга қарор қилганлар.

Заводнинг 170 нафар ишчи-хизматчиси, 102 нафар инженер-техник ходими шу куни бевосита ўз меҳнат постларида бўлишади. Улар қурилиш ташкилотлари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар.

Корхона коллективи шанбаликда ишлаб топган 4800 сўм пулни беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилди.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети маълум қиладики, 1984 йил 29 март соат 15.00 да Ўзбекистон Компартияси область комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9) ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг IX сессияси очилади.

Депутатлар шу ернинг ўзида соат 13.00 дан бошлаб рўйхатга олинади.

**Тошкент область ижроия комитети.**

